

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2021 йил сентябрь ойининг 27 куни, жинойт ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, Фарғона вилояти 10-сон тергов ҳибсхонаси орқали видеоконференцалоқа режимида, Раислик қилувчи судья К.Рахимов, судья ёрдамчиси М.Махмудовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона шаҳар прокурори катта ёрдамчиси А.Хапизов, судланувчи ХХХХХ, жабрланувчилар ХХХХХ ва ХХХХХнинг иштирокида, ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХга нисбатан 1-1501-2101/923-сонли жинойт ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ (ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ)
1982 йил 20 апрель куни Фарғона шаҳрида туғилган,
миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси,
маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор,
муқаддам:

1) жинойт ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг
1999 йил 30 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон
Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан
1 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш
жазосига судланган;

2) жинойт ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг
2000 йил 28 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон
Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди
билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш
жазосига судланиб, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2001 йил 22 августдаги “Ўзбекистон
Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги
муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармонига
асосан жазодан озод қилинган;

3) жинойт ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг
2002 йил 14 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон
Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди
билан 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш
жазосига судланиб, жинойт ишлари бўйича Зангиота
туман судининг 2004 йил 16 декабрдаги ажрими билан
ўталмай қолган 4 йил 3 ой 9 кун озодликдан маҳрум
қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу
муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига
алмаштирилган;

4) жинойт ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг
2006 йил 08 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон
Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди ва
166-моддаси 1-қисми билан 5 йил 6 ой муддатга
озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

5) жинойт ишлари бўйича Фарғона туман судининг
2020 йил 29 апрелдаги ажримига кўра, Ўзбекистон



Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан билан бўлган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айбилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилган, судланганлик ҳолати тугалланган, вақтинча ишсиз, ХХХ шаҳар, ХХХ кўчаси ХХ-уйда яшаган, иш бўйича қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси сиртдан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, 2021 йил 05 июнь кунидан қамоқда, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 17 сентябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2020 йил 24 декабрь куни соат 11:00ларда Фарғона шаҳар, ХХХ кўчаси, ХХ-уйда жойлашган якка тартибдаги тадбиркор ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХга тегишли бўлган “озик овқат” савдо дўкони пештахтасида турган, жами нархи 1.000.000 сўмлик “Максимус” номли шоколадларни кўриб қолиб, ушбу шоколад маҳсулотини 8 донаси ҳеч ким эътибор бермаётганидан фойдаланиб, яширин равишда эгнида бўлган куртқасининг ички чўнтагига солиб, қолган 12 донасини 2020 йил 27 декабрь куни соат 12:00ларда худди юқоридаги каби яширин равишда талон-торож қилиб, дўкондан олиб чиқиб кетиб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари, ХХХХХнинг ўзи такроран ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ (жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 17 июнь кунги ҳукми кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган) билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2020 йил 26 декабрь куни соат 13:20ларда Фарғона шаҳар марказида жойлашган “Барака” савдо мажмуасида колбаса маҳсулотлари билан савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркор ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХга тегишли бўлган колбаса маҳсулотлари қаровсиз қолдирилганлиги ва ҳеч ким эътибор бермаётганлигидан фойдаланиб, “Лабо” русумли автомашинада бўлган жами 3.500.000 сўмлик колбаса маҳсулотларини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, Фарғона шаҳар, С.Темур кўчасида жойлашган устахонада



устачилик билан шуғулланиб келганини, XXXXX акани танишини, “Дамас” русумли автомашинасида кира қилишини, автомашинасини устахонага тузатиш учун олиб келганда танишиб қолганини, 2020 йил декабрь ойидан бошлаб Бахтиёр акага қўнғироқ қилиб, унга машинасида олиб юришини, эвазига кунлик пулини беришини айтиб, кўп вақтини ўз ишларини битириш мақсадида Бахтиёр акани автомашинасида у ер бу ерга бориб ўтказганини, 2020 йил 24 декабрь куни эрталаб спиртли ичимлик истеъмол қилиб, соат 11:00ларда Бахтиёр акани чақириб, уни автомашинасида автомашина эҳтиёт қисмларини олиш учун Фарғона халқаро Аэропорти ёнидаги дўконга боришганини ва шаҳар марказига кетишаётганда, Бахтиёр ака “Шаҳаргаз” биноси жойлашган XXX кўчаси бўйлаб кетаётиб қорни очганини, йўлдаги бирорта дўконда колбаса олишини айтганини ва йўл бўйидаги дўконлардан бирига тўхтаганини, шунда Бахтиёр ака билан бирга дўконга кирганини, Бахтиёр ака ўзига егани колбаса сотиб олаётганида, у дўкон ичида айланиб юриб, пештахтада “Максимус” номли, бир донаси 20.000 сўм турадиган шоколадларни тахминан 20 дона турганлигини кўрганини, шунда ушбу шоколадларни ўғирлаш фикри пайдо бўлганини ва ҳеч ким кўрмаётганлигидан фойдаланиб, шоколадларни 8 донасини олиб куртқасини ички чўнтагига солиб олганини, сўнг худди ўзини айланиб юргандек қилиб кўрсатиб, секин дўкондан ташқарига чиққанини, Бахтиёр ака уни шоколад ўғирлаганини билмаганини ва унга бу ҳақида айтмаганини, кейин Бахтиёр ака уни устахонага ташлаб қўйганини, ўғирлаб чиққан шоколадларини барчасини ўзи еб юборганини, орадан уч кун вақт ўтиб, яъни 2020 йил 27 декабрь куни яна ўша дўконга борганини ва дўконга кириб, аввал ўғирлаганидан қолган 10 дона “Максимус” номли “плиточний” шоколадларни ҳеч кимга билдирмасдан ўғирлаб, яна ички чўнтагига солиб олганини, бундан ташқари, XXXXXни бир неча йилдан буён танишини, 2020 йил 26 декабрь куни соат 12:30ларда XXXXX билан “Янги йил”га бозорлик қилиш учун “Фарғона деҳқон” бозорига боришганини, бозорда бироз айлангач, улгуржи озик-овқат маҳсулотлари сотиладиган “Барака” савдо мажмуасининг ер тўласига тушишганини, шунда XXXXXга колбаса маҳсулотлари солинган оқ рангли целлофан қопларни кўриб, ўғирлаш фикри пайдо бўлганини, сўнг улар бир-бирига имо-ишоралар билан ҳаракат қилиб, атрофда одам кўплиги ва уларга ҳеч ким аҳамият бермаётганлиги, сотувчи ҳам харидорлар билан овора эканлигидан фойдаланиб, XXXXX билан битта қопдаги колбасаларни ҳеч нарса бўлмагандек, ўзларини худди қопдаги колбасаларни сотиб олиб кетаётгандек кўрсатиб бозор ташқарисига олиб чиқишганини, шундан сўнг Фарғона шаҳрида “6” йўналишда “Дамас” русумли автомашинасида кира қилувчи танишлари XXXXXга қўнғироқ қилиб, уни келишини, юклари борлигини, йўл ҳақини беришларини айтиб, турган жойларини тушунтириб, XXXXXни чақирганини, бироз ўтиб, XXXXX улар турган жойга ўзининг бошқарувидаги “Дамас” русумли автомашинасида келганини, шундан сўнг улар ўғирлаб чиққан қопдаги колбаса маҳсулотларини автомашинага юклаб, Фарғона шаҳридаги турли савдо дўконларига ва савдо билан шуғулланувчи аёлларга сотиб юборишганини, улар XXXXXга колбасаларни ўғирланганини



айтишмаганини, унга колбасаларни фойда кўриш учун улгуржи нархда олишганини, сотиб фойда кўришларини айтишганини, унга йўл кира ҳақи беришганлигини, лекин аниқ қанча миқдорда йўл кира беришгани эсида йўқлигини, адашмаса, 100.000 сўм атрофида пул беришган бўлишганини, ХХХХХ билан колбасаларни савдо дўконлари олиб бориб сотишаётганда ХХХХХ автомашинасида ўтирганини, колбасаларнинг сотувидан тушган пул 700.000 сўм бўлганини, кейинроқ ўзлари қолганларида ушбу пулларни ХХХХХ билан бўлишиб олишганини ва ўзига теккан пулларни ишлатиб юборганини, шундан сўнг ИИО ходимлари содир қилган жиноятларини фош қилишганини ва тергов ҳаракатлари ўтказилиб, ХХХХХ иккаласига нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, уларга айб қўйилиб, жиноят иши судга оширилганини, шундан сўнг қамалиб кетишидан кўрқиб, уйига ҳам бормасдан юрган вақтида ИИО ходимлари уни ушлаб тергов ҳибсхонасига жойлашганини билдириб, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ судда, ҳақиқатдан ҳам Фарғона шаҳар, ХХХ кўчаси, ХХ уйда укаси ХХХХХ номига очилган “Озиқ-овқат” дўконда тадбиркорлик билан шуғулланишини, дўконга кузатув камералари ўрнатилганини, 2020 йил 24 декабрь куни савдо дўконига бир оз вақт ўтириб, соат 11:00ларда дўкондан чиқиб кетиб, ўз ишлари билан кўчада юриб, соат 18:00ларда дўконга қайтиб келганида, дўконда бўлган турмуш ўртоғи ХХХХХ дўкон пештахтасида турган, бир пачкаси 20.000 сўм бўлган “максимус” номли шоколадлар камайиб қолганини, ҳеч ким сотиб олмаганини айтганини, сўнг кузатув камераларида ёзиб олинган видеоёзувларни кўриб чиққанида, унда икки нафар шахс келгани, улардан бири турмуш ўртоғи билан гаплашиб турганини иккинчиси эса пештахтада турган шоколадларни олиб, курткаси ичига беркитиб олганлигини кўрганини, лекин ўша куни бу ҳақида ИИОга хабар бермаганини, аммо 27 декабрь куни ҳам худди шу ҳолат такрорланиб, айнан қиммат шоколадлар йўқолганини ва яна видео кузатув камералардаги ёзувларни қайтариб кўрганида, худди 24 декабрь кунги икки нафар шахс дўконга кириб, ёши каттароғи турмуш ўртоғи билан гаплашиб, нарса харид қилганини, ўша вақтда эса иккинчиси шоколад ўғирлаганлигини кўрганини, ўша вақтларда “Янги йил” арафаси бўлганлиги, дўконда мижозлар кўплиги сабабли ИИОга мурожаат қилмаганини, 2020 йил 30 декабрь куни ИИО ФМБ профилактика инспектори Р.Ўлмасхўжаевни кўриб қолиб, унга бўлиб ўтган воқеани айтиб берганини, профилактика инспектори билан бирга видео кузатув камераларини яна бир бор кўриб, уларни ушлашини айтганини ва шу куни соат 14:00ларда ушбу шахслар ушланганини, шундан сўнг жами нархи 1.000.000 сўмлик шоколадлари ўғирлангани ҳақида ИИБга ариза билан мурожаат қилганини, суриштирув-тергов давомида уни дўконига кириб шоколадларни ўғирлаган шахс ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ эканлиги аниқланганини, ҳозирда унга етказилган зарар қопланмаганини, шу сабабли суддан унга етказилган 1.000.000 сўм моддий зарарни судланувчи ХХХХХда ундириб беришни ва унга қонуний чора кўришни сўради.



Жабрланувчи XXXXX судда, бир неча йилдан буён Фарғона шаҳри марказида жойлашган “Барака” савдо мажмуасида ижара асосида колбаса ва гўшт маҳсулотларини сотиш билан шуғулланиб келишини, 2020 йил 26 декабрь куни “Янги йил” байрами арафаси бўлгани учун сотиш мақсадида катта миқдорда колбаса маҳсулотларини олиб келганини, ўша куни харидорлар кўп бўлгани сабабли “Лабо” русумли автомашинадаги олиб келинган колбаса маҳсулотларини тушириб, дўконга олиб киришга вақт бўлмаганини, ишчиларини ҳам колбаса маҳсулотларини юк автомашинасидан туширишга вақтлари бўлмаганини, ишчилари билан тушлик қилиш учун ташқарига чиқишганида колбаса маҳсулотлари бўлган “Лабо” русумли автомашинани кулфламасдан чиқиб кетишган бўлганини, орадан бир соатча вақт ўтиб дўконга қайтиб келиб, колбасаларни юк машинасидан туширишганини, шунда ҳисобдагидан бир қоп колбаса маҳсулоти кам чиққанини, ишчилардан сўраганида, ҳеч ким билмаслигини айтганини, шунда дўкон ташқарисига ўрнатилган кузатув камерасини текшириб кўрганида тушликка кетишган вақтда икки нафар номаълум шахс автомашинадан бир қоп колбаса маҳсулотларини ўғирлаб кетганлигини кўрганини, шундан сўнг бу ҳақида “102” қисқа рақамига кўнғироқ қилиб, ўғирлик ҳақида хабар берганини, суриштирув давомида ушбу ўғриликни XXXXX ва XXXXXлар содир этишганлиги аниқланганини, кузатув камерасида фақат иккита шахс ушбу ўғриликни содир этгани кўринганини, ҳозирда унга етказилган моддий зарар умуман бартараф этилмаганини билдириб, суддан унга етказилган 3.500.000 сўмлик зарарни ундириб беришни сўради.

Гувоҳ XXXXX судда, Фарғона шаҳрида “б” йўналишда Дамас автомашинасида кира қилишини, XXXXXни танишини, XXXXX автомашиналарни таъмирлаш устахонасида уста бўлиб ишлашини, киракаш бўлгани сабабли 2020 йил декабрь ойидан бошлаб XXXXXни машинасида айтган жойларига олиб келиб юрганини, кейинчалик тергов давомида аниқланишича, 2020 йил 24 декабрь куни эрталаб XXXXX уни чақириб, автомашинасида автомашина эҳтиёт қисмларини олиб келиш учун Фарғона халқаро Аэропорти ёнидаги дўконга боришганини ва шаҳар марказига кетишаётганда, “Шаҳаргаз” биноси жойлашган XXX кўчаси бўйлаб кетаётиб қорни очгани учун йўлдаги бирорта дўконда колбаса олишини айтиб, йўл бўйидаги ҳар доим кирадиган дўконга тўхтаганини ва дўконга кирганини, уни орқасидан XXXXX ҳам кирганини, ўзига егани колбаса сотиб олаётганида, XXXXX дўкон ичида айланиб юрганини, ўзига колбаса сотиб олганидан сўнг дўкондан чиққанини, орқасидан XXXXX ҳам чиққанини, сўнг улар машинага ўтириб кетишганини, XXXXXни Фарғона шаҳар марказига ташлаб, ўзи ўз ишлари билан кетганини, уч кундан кейин, яъни 2020 йил 27 декабрь куни XXXXXни олдига машинасини баллонига ҳаво дамлаш учун устахонага борганини, сўнг XXXXXни таклифи билан “Дишовка” ошхонасига бориб овқатланишганини, сўнг овқатланиб қайтишаётганда, боши оғриётгани учун ҳар доим кирадиган дўконига кириб сув олганини, шу вақтда XXXXX уни орқасидан дўконга кириб, дўкон ичини айланганини, сўнг у сув сотиб олиб дўкондан чиққанини, XXXXX ҳам



орқасидан чиқиб машинага ўтирганини, уни устахонасига ташлаб қўйиб, ўз ишлари билан кетганини, тергов давомида ўша кунлари ХХХХХ уни орқасидан дўконга кириб, бир қанча шоколадларни ўғирлаб чиққанлиги аниқланганини, лекин бундан уни хабари бўлмаганини, ХХХХХни ўзи ҳам унга айтмаганини, бундан ташқари, 2020 йил 26 декабрь куни ушбу йўналишда кира қилаётган вақтида танишлари ХХХХХ ва ХХХХХлар унга кўнғироқ қилиб, бозордан улгуржи нархда колбаса сотиб олишганини, шаҳардаги савдо дўконларига сотишларини, автомашинасида улар айтган жойларга олиб бориб қўйишини, йўл кира ҳақини беришларини айтишганини, шундан сўнг улар айтган “Барака” савдо мажмуасига яқин бўлган жойга борганини, улар билан кўришиб, фақатгина бир қопда колбасалари борлигини кўриб, улардан колбасаларни қаердан олишганини сўраганида, бозордаги улгуржи бозордан сотиб олишганини, пуллари камлиги учун бир қоп колбаса олишганини, “Янги йил”га сотиб кўпроқ фойда кўриб, яна келиб олиб сотишларини айтишганини, шундан сўнг улар колбасаларни автомашинасига юклашганини, кейин унга дастлаб “Заканал” мавзесига, кейин эса “Текстил” мавзесига олиб боришини, қолган қисмини эса “Бешбола” мавзесига савдо дўконларига олиб бориб, тарқатиб келишни айтганини, сўнг улар айтган манзилларга олиб борганини, лекин ХХХХХ ва ХХХХХларни колбасаларни қанча пулга сотишганини билмаслигини, чунки уларни савдосига аралашмаганини, автомашинасида ўтирганини, унга йўл кира ҳақи сифатида 60.000 сўм пул беришганини, уни ИИО ходимлари чақиритиб, ҳолат юзасидан сўраганида, ушбу бир қоп колбаса маҳсулотлари ўғирланганлигини билганини билдириб кўрсатув берди.

Судланувчи ХХХХХнинг содир этган жиноятлари унинг судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчилар ХХХХХ ва ХХХХХ ва гувоҳ ХХХХХларни суддаги кўрсатувлари ҳамда жиноят иши материалларида мавжуд бўлган ва суд терговида текширилган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалари ва фотосуратлар, ХХХХХ ва ХХХХХнинг арилари, нарсани кўздан кечириш ҳақидаги баённомалар ва фотосуратлар, воқеа қайд этилган, “Барака” савдо мажмуаси биносининг ташқи томонига ўрнатилган кузатув камерасидан олинган видео тасвирлар ёзиб олинган дискни далилий ашё деб эътироф этиш ҳақидаги қарор ва иш бўйича тўпланган бошқа асосли ва объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи ХХХХХнинг содир этган жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки у 2020 йил 24 ва 27 декабрь кунлари Фарғона шаҳар, ХХХ кўчаси, ХХ-уйда жойлашган “озик овқат” савдо дўконига кириб, пештахтада бўлган жами нархи 1.000.000 сўмлик “Максимус” номли 20 дона шоколадларни яширин равишда эғнида бўлган куртқасининг ички чўнтагига солинган ҳолда яширин равишда талон-торож қилган ҳамда унинг ўзи такроран 2020 йил 26 декабрь куни соат 13:20ларда жиноий шериги ХХХХХ (жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 17 июнь кунги ҳукми кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-



моддаси 2-қисми “в” банди билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган) билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Фарғона шаҳар марказида жойлашган “Барака” савдо мажмуасидан умумий қиймати 3.500.000 сўмлик колбаса маҳсулотларини яширин равишда талон-торож қилиб, қасддан жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги, 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳамда 37-бандида, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилиб, ХХХХХга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ғараз ва паст ниятларда жиноят содир этганлигини инобатга олиб, шу билан бирга моддий зарар қопланмаганлиги эътиборга олиб, унга нисбатан у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган жазони, яъни озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни;

Бундан ташқари, содир этилган жиноят оқибатида етказилган моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, зарар тўлиқ бартараф этилмаганлиги сабабли ХХХХХдан жабрланувчи ХХХХХ фойдасига 3.500.000 сўм моддий зарарни ундиришни ва жабрланувчи ХХХХХга етказилган зарар тўлиқ бартараф этилганлигини инобатга олишни;

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича далил ашё деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган Фарғона шаҳар, ХХХ кўчаси, ХХ-уйда жойлашган “Озиқ-овқат” савдо дўконига ўрнатилган кузатув камерасидан олинган видео тасвирлар ёзиб олинган бир “DVD” дискни жиноят ишида сақлашликни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ (ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ) Ўзбекистон



Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

XXXXX XXXXX XXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 05 июнь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

XXXXXга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланган XXXXXдан жабрланувчи XXXXX фойдасига 3.500.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Жабрланувчи XXXXXга етказилган зарар тўлиқ бартараф этилганлиги инобатга олинсин.

Далилий ашё деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган воқеа қайд этилган, Фарғона шаҳар XXX кўчаси XX-уйда жойлашган “Озиқ-овқат” савдо дўконига ўрнатилган кузатув камерасидан олинган видео тасвирлар ёзиб олинган 1 (бир) “DVD” диск жиноят ишида сақлансин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

К.Рахимов

**Ҳукм нусхаси
аслига тўғри:**

